

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2013 йил “22” июлдаги 8- сонли қарорига
илова

Саноат маҳсулотининг физик ҳажми индексини Иқтисодий фаолият
турлари умумдават таснифлагичи (ИФУТ-2) асосида ҳисоблаш бўйича
услубий низом

Ушбу услубий низом, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш сектори ривожланишининг асосий индикаторларидан бири ҳисобланадиган, мамлакат ва унинг ҳудудларининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини шакллантиришда фойдаланиладиган саноат маҳсулотининг физик ҳажми индексини аниқлашда статистик маълумотларни шакллантириш тартибини белгилайди.

Мазкур услубий низомни тайёрлашда, Ўзбекистон Республикасининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидан, МХТ-2008 таърифлари ва МДХ давлатлари тажрибаларидан фойдаланилди.

Услубий низом давлат статистика органлари томонидан, саноат статистикаси асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланадиган, саноат маҳсулотининг физик ҳажми индексини ҳисоблаш учун мўлжалланган.

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу услубий низомда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми – ҳисобот даврида четга сотиш, ўзининг капитал қурилишига ва носаноат бўлинмаларига бериш, ўз асосий воситалари фонди таркибига ҳисобга олиш учун мўлжалланган жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (тайёрлиги даражасидан қатъий назар), шунингдек саноат хусусиятига эга бўлган бажарилган ишлар (хизматлар) қиймати;

саноат маҳсулотининг физик ҳажми индекси – ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)лар тўплами физик ҳажмининг ўзгариши натижасида, таққослаш даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўзгаришини ифодаладиган нисбий кўрсаткич.

2. Физик ҳажм индекси, индексларни иқтисодий фаолият турлари бўйича индексларга ва умумсаноат индексига келгусида босқичма-босқич агрегациялаш билан, белгиланган намуна товарлар тўплами бўйича ишлаб чиқаришнинг натура-моддий кўрсаткичлари динамикаси тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишга асосланади.

2. Физик ҳажм индексини ҳисоблаш учун ахборот манбалари

3. Саноат ишлаб чиқариши индексини ҳисоблаш учун ахборот манбаи бўлиб, давлат статистика ҳисоботларининг бирламчи статистика маълумотлари ҳисобланади.

Йилда бир марта, йирик саноат ташкилотларининг давлат статистика ҳисоботлари, кичик корхоналар ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари, нотижорат ташкилотларининг соддалаштирилган ҳисоботлари, шунингдек норасмий секторнинг саноат маҳсулоти (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш асосида, саноат маҳсулотининг умумий ҳажми бўйича аниқлаштирилган маълумотлар шакллантирилади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ҳар ойлик ҳажми, тезкор тартибда, йирик саноат ташкилотларининг ҳисобот маълумотлари, фермер хўжаликларининг ҳар ойлик танланма кузатувлари ва бошқа юридик шахслар (саноат фаолиятини амалга оширган кичик корхоналар ва микрофирмалар, носаноат, нотижорат ташкилотлари), норасмий секторнинг саноат ишлаб чиқариш ҳажмини баҳолаш асосида ҳисобланади.

3. Физик ҳажм индексини ҳисоблаш усуллари

4. Мазкур ҳисоблаш усулининг асоси бўлиб, умумлаштирилган товарларнинг белгиланган тўплами бўйича, индивидуал индексларни иқтисодий фаолият турлари бўйича индексларга босқичма-босқич агрегация қилган ҳолда, ишлаб чиқариш динамикаси кўрсаткичлари ҳисобланади. Товарларнинг йириклаштирилган гуруҳлари бўйича индекслар, шу гуруҳларни ташкил этувчи элементлар бўйича ўртача ҳисоблаб чиқилганидан олинади.

5. Намуна товарларни аниқлашда, аниқ фаолият турининг якуний маҳсулоти сифатидаги товарлар ҳисобга олинади. Ишлаб чиқариш индексларини репрезентативлигини таъминлаш мақсадида, саватга киритилган товарларнинг умумий қиймати, иқтисодий фаолият тури бўйича қиймат кўринишидаги ишлаб чиқариш ҳажмининг 70%дан кам бўлмаган миқдорда бўлиши керак.

6. Ишлаб чиқариш индексларини шакллантириш бир неча босқичда амалга оширилади.

Йирик саноат ташкилотлари бўйича ишлаб чиқариш индекслари, ҳар бир элементар фаолият турлари (синфлар) учун, ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган намуна товарлар ҳажмини, уларнинг ўтган йилнинг шу даврида ишлаб чиқарилганига таққослаш орқали амалга оширилади. Бунда, таққосланаётган даврларда ҳар бир ишлаб чиқарилган намуна товар бир нархларда – базис йилнинг ўртача йиллик нархларида баҳоланади, яъни маҳсулот бир бирлиги учун базис йилининг ўртача йиллик нархи индексларни ҳисоблаганда ўлчов бирлиги сифатида қўлланилади. Базис давр учун нархни аниқлашда, охириги йиллик ҳисобот давридан олдинги йил кўрсаткичларидан фойдаланилади. Масалан, 2013 йил учун базис давр нархлари сифатида 2011 йил нархлари олинади.

7. Элементар иқтисодий фаолият турлари бўйича индексларни ҳисоблаш босқичларида қўлланиладиган ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулот бир бирлиги учун ўртача йиллик нархлари, йирик ташкилотлар томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб

чиқариш тўғрисидаги йиллик статистик ҳисоботи маълумотлари асосида шакллантирилади.

Элементар иқтисодий фаолият тури учун индекс қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$i_j = \frac{\sum_{t=1}^n \frac{Q_t * P_b}{Q_{t-1} * P_b}}{\sum_{t=1}^n 1} * 100,$$

бу ерда i_j - элементар иқтисодий фаолият тури (синфи) бўйича физик ҳажм индекси;

Q_t - ҳисобот даврида аниқ товарни ишлаб чиқариш;

Q_{t-1} - ўтган йилнинг тегишли даврида аниқ товарни ишлаб чиқариш;

P_b - шу турдаги товар бир бирлиги учун базис йилдаги ўртача йиллик нарх;

n - шу фаолият тури индексини ҳисоблаш учун танлаб олинган намуна товарлар сони.

Индексни ҳисоблаш бўйича шартли мисол Услубий низомнинг 1-иловасида келтирилган.

8. Намуна товарлар саватига қиймат кўринишида маҳсулотларни киритишда (ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки саноат хусусиятига эга бўлган хизматларнинг кенг ассортименти мавжуд бўлганда), маҳсулотнинг ҳисобот ва ўтган йилдаги қийматини, ишлаб чиқарувчи ташкилотлар нарх индексларидан фойдаланган ҳолда базис давр нархларига ўтказиш лозим:

$$v_{tb} = v_t : it_b,$$

$$v_{t-1b} = v_{t-1} : it_{-1b},$$

бу ерда v_{tb} - ҳисобот давридаги маҳсулотнинг базис йил нархларидаги қиймати;

v_{t-1b} - ўтган йилнинг тегишли давридаги маҳсулотнинг базис йил нархларидаги қиймати;

v_t - ҳисобот давридаги маҳсулотнинг амалдаги нархлардаги қиймати;

v_{t-1} - ўтган йилнинг тегишли давридаги маҳсулотнинг амалдаги нархлардаги қиймати;

it_b - ҳисобот давридаги ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг базис йилга нисбатан t вақтидаги нархлари индекси;

it_{-1b} - ўтган йилнинг тегишли давридаги ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг базис йилга нисбатан нархлари индекси.

9. Элементар фаолият турлари бўйича индексларни ҳисоблаш, ишлаб чиқарувчилар нархлари индексини қўллаган ҳолда ҳажмларни дефляциялаш усули орқали, қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$i_j = \frac{(V_{t/i_{t-1}/i_{t-2}})}{(V_{t-1/i_{t-2}})} * 100 ,$$

бу ерда i_j - j фаолият тури бўйича ишлаб чиқариш индекси (ИФУТ-2 бўйича гуруҳлаш синфлар бўйича);

V_t - ҳисобот йили бошидан қиймат кўринишидаги саноат маҳсулотлари ҳажми;

V_{t-1} - ўтган йил бошидан тегишли давр учун қиймат кўринишидаги саноат маҳсулотлари ҳажми;

i_{t-1} - ҳисобот йилининг бошидан жорий давр учун ишлаб чиқарувчиларнинг ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан нархлари индекси;

i_{t-2} - ўтган йилнинг бошидан тегишли давр учун ишлаб чиқарувчиларнинг базис йилнинг тегишли даврига нисбатан нархлари индекси.

Индексни ҳисоблаш бўйича шартли мисол Услубий низомнинг 2-иловасида келтирилган.

10. Ҳисоблашнинг кейинги босқичларида, индекслар Иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичининг (ИФУТ-2 2-таҳрир) иерархик тузилмасига мувофиқ, қўшилган қиймат тузилишини ҳисобга олган ҳолда, йириклаштирилган гуруҳлар бўйича босқичма-босқич агрегация қилинади.

11. Ҳисоблаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$I_v = \sum i_j * d_j,$$

бу ерда I_v - йириклаштирилган фаолият тури бўйича физик ҳажм индекси;

i_j - элементар фаолият тури бўйича физик ҳажм индекси;

d_j - муайян фаолият турининг қўшилган қиймати тузилмасида элементар фаолият турининг улуши.

Ҳисоблаш бўйича шартли мисол Услубий низомнинг 3-иловасида келтирилган.

12. Йирик ташкилотлар бўйича йиғма физик ҳажм индекси, йирик ташкилотларнинг йириклаштирилган фаолият турлари бўйича, базис йилдаги қўшилган қиймат тузилмасига қайта ҳисобланган индекслар қийматини агрегациялаш орқали аниқланади.

Ҳисоблаш бўйича шартли мисол Услубий низомнинг 4-иловасида келтирилган.

13. Кичик корхона ва микрофирмалар, носаноат ташкилотлари, норасмий секторнинг элементар фаолият турлари бўйича ҳисоб-китоблар, уларнинг тегишли даврдаги ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш натижасида олинган қиймат кўринишидаги саноат ишлаб чиқариш ҳажмларини дефляциялаш усули орқали амалга оширилади.

Сўнгра олинган индекслар йиғма индексларга агрегацияланади.

14. Саноат маҳсулоти (ишлар,хизматлар)нинг йиғма физик ҳажми индексини ҳисоблаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$I = I_k \cdot D_k + I_m \cdot D_m + I_p \cdot D_p + I_n \cdot D_n,$$

бу ерда **I** - саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар)нинг йиғма физик ҳажми индекси;

I_к, **I_м**, **I_п**, **I_н** - йирик ташкилотлар, саноат кичик корхоналари ва микрофирмалари, носаноат ташкилотлари, норасмий секторнинг физик ҳажм индекси;

D_к, **D_м**, **D_п**, **D_н** - саноат бўйича базис йилдаги қўшилган қиймат тузилмасида йирик ташкилотлар, саноат кичик корхоналари ва микрофирмалари, носаноат ташкилотлари, норасмий секторнинг қўшилган қиймати улуши.

Саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар)нинг йиғма физик ҳажми индексини ҳисоблаш бўйича шартли мисол Услубий низомнинг 5-илоvasида келтирилган.

15. Йирик ташкилотлар, кичик корхоналар ва микрофирмалар, носаноат ташкилотлар, норасмий сектор бўйича маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, йириклаштирилган фаолият турлари бўйича физик ҳажм индексини ҳисоблаш, 14-бандда келтирилган саноат маҳсулотининг йиғма физик ҳажми индексини ҳисоблаш формуласига ўхшаш ҳолда амалга оширилади.

Маълумот учун фойдаланилган ахборотлар рўйхати:

1. Система национальных счетов 2008.
2. «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан 2011 йил 28 январда 05-268-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи.
3. «International Recommendations for the Index of Industrial Production 2010», Prepared by the United Nations Statistics Division.
4. «Расчет индексов производства», Луппов А.Б., факультет Экономики НИУ ВШЭ, 2012 г.

Саноат маҳсулотини физик ҳажм индексини
Иқтисодий фаолият турлари таснифлагичи (ИФУТ-2)
асосида ҳисоблаш бўйича услубий низомга
1-илова

**Элементар фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш индексини аниқлаш
(ИФУТ-2 синфлари бўйича натура кўринишида)**

Шартли мисол

	ИФУТ-2 бўйича код	Qt - ҳисобот даврида аниқ товарни ишлаб чиқариш	Pb - шу турдаги товар бир бирлиги учун базис йилдаги ўртача йиллик наرخ	Qt-1 - ўтган йилнинг тегишли даврида аниқ товарни ишлаб чиқариш	ij - элементар иқтисодий фаолият тури (синфи) бўйича физик ҳажм индекси
1	2	3	4	5	$6 = \sum (3 \cdot 4) : \sum (4 \cdot 5) \cdot 100$
Шакар ишлаб чиқариш	10.81				$100,1 = (32308 \cdot 1,53 + 544 \cdot 0,07) : (32291 \cdot 1,53 + 532 \cdot 0,07) \cdot 100$
Шакар, т		32308	1,53	32291	x
Меласса қиёми, т		544	0,07	532	x

**Элементар фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш индексини аниқлаш
(ИФУТ-2 синфлари бўйича қиймат кўринишида)**

Шартли мисол

	ИФУТ-2 бўйича код	V t - ҳисобот йили бошидан қиймат кўринишидаги саноат маҳсулотлари ҳажми, млн.сўм	i t-1 - ҳисобот йилининг бошидан жорий давр учун ишлаб чиқарувчиларнинг ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан нархлари индекси	i t-2 - ўтган йилнинг бошидан тегишли давр учун ишлаб чиқарувчиларнинг базис йилнинг тегишли даврига нисбатан нархлари индекси	V t-1 - ўтган йил бошидан тегишли давр учун қиймат кўринишидаги саноат маҳсулотлари ҳажми, млн.сўм	i j - j фаолият тури бўйича ишлаб чиқариш индекси, %
1	2	3	4	5	6	$7=(3:4:5):(6:5)*100$
Офис ва магазинлар учун мебел ишлаб чиқариш	31.01	427702,7	1,121	1,110	357535,3	106,7
Ўйинлар ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш	32.40	20381,8	1,201	1,210	15926,5	106,6
Машина ва ускуналарни таъмирлаш	33.12	322829,3	1,109	1,095	280061,5	103,9
Электр энергиясини узатиш	35.12	20609,9	1,136	1,152	15664,3	115,8

Саноат маҳсулотини физик ҳажм индексини
Иқтисодий фаолият турлари таснифлагичи (ИФУТ-2)
асосида ҳисоблаш бўйича услубий низомга
3-илова

**Йириклаштирилган фаолият турлари (ИФУТ-2 бўлимлари) бўйича
ишлаб чиқариш индексини аниқлаш**

Шартли мисол

	ИФУТ-2 бўйича код	i j - элементар фаолият тури бўйича физик ҳажм индекси, %	d j - муайян фаолият турининг қўшилган қиймати тузилмасида элементар фаолият турининг улуши	Iv - йириклаштирилган фаолият тури бўйича физик ҳажм индекси, %
1	2	3	4	5
Электр таъминоти, газ, буғ юбориш ва ҳаво ҳароратини бир хилда сақлаш	35			$100,8=101,5*0,282+100,2*0,602+102,2*0,116$
Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш	35.1	101,5	0,282	X
Газсимон ёқилғини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш	35.2	100,2	0,602	X
Буғ узатиш ва ҳаво ҳароратини бир хилда сақлаш тизимлари	35.3	102,2	0,116	X

Саноат маҳсулотини физик ҳажм индексини
Иқтисодий фаолият турлари таснифлагичи (ИФУТ-2)
асосида ҳисоблаш бўйича услубий низомга
4-илова

Йирик ташкилотлар бўйича физик ҳажм индексини аниқлаш

Шартли мисол

		Секциялар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш индекслари, %	Базис йилдаги саноат бўйича қўшилган қийматнинг умумий ҳажмида секция қўшилган қийматининг улуши	Саноат маҳсулотининг физик ҳажми индекси, %
1	2	3	4	5
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	B	$I_B=104,0$	$d_B=0,174$	x
Ишлаб чиқарадиган саноат	C	$I_C=106,1$	$d_C=0,670$	x
Электр таъминоти, газ, буғ юбориш ва ҳаво ҳароратини бир хилда сақлаш	D	$I_D=100,8$	$d_D=0,144$	x
Сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	E	$I_E=101,5$	$d_E=0,012$	x
Жами		x	1,0	$104,9=104,0*0,174+106,1*0,67+100,8*0,144+101,5*0,012$

Саноат маҳсулотини физик ҳажм индексини
Иқтисодий фаолият турлари таснифлагичи (ИФУТ-2)
асосида ҳисоблаш бўйича услубий низомга
5-илова

**Саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар)нинг
йиғма физик ҳажми индексини аниқлаш**

Шартли мисол

	Маҳсулот ишлаб чиқариш индекслари	Саноат тузилмаси таркибида секциялар қўшилган қийматининг улуши	Саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар)нинг йиғма физик ҳажми индекси, %
1	3	4	5
Йирик саноат ташкilotлари	$I_k=103,50$	$D_k=0,773$	x
Кичик корхоналар ва микрофирмалар	$I_m=121,1$	$D_m=0,158$	x
Носаноат ташкilotлари	$I_p=113,2$	$D_p=0,022$	x
Норасмий сектор	$I_n=106,8$	$D_n=0,047$	x
Жами саноат бўйича	x	1,0	106,6